

Х. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.


Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига республикада 316,7 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 209 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,2 % га кўпайди.

Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, минг бирликда

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

01.10.2018 й. ҳолатига



Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2018 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 105244,8 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,9 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)


	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
Хизматлар – жами	105244,8	108,9	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	7147,6	117,3	6,8
молиявий хизматлар	14726,1	125,4	14,0
транспорт хизматлари	31247,9	104,2	29,7
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	15386,7	102,7	14,6
яшаш ва овқатланиш хизматлари	3190,5	105,5	3,0
савдо хизматлари	28646,3	103,6	27,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	3336,8	103,6	3,2
таълим соҳасидаги хизматлар	3767,8	124,2	3,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1468,8	114,5	1,4
ижара хизматлари	2253,2	108,5	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	1880,8	103,4	1,8
шахсий хизматлар	2703,3	102,4	2,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1542,0	131,3	1,4
бошқа хизматлар	3333,7	108,0	3,2

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм транспорт хизматлари (31247,9 млрд. сўм), савдо хизматлари (28646,3 млрд. сўм), молиявий хизматлар (14726,1 млрд. сўм) га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1468,8 млрд. сўм), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1542,0 млрд. сўм), компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (1880,8 млрд. сўм), ижара хизматлари (2253,2 млрд. сўм) га тўғри келади.

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 131,3 %, молиявий хизматлар – 125,4 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 124,2 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 117,3 % бўйича эришилди.

Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Таққослаш учун, 2017 йил январь-сентябрь ойларида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ўсиш суръати - 108,8 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 108,1 % ни ташкил этган.

Хизматлар таркибида транспорт хизматлари (29,7 %), савдо хизматлари (27,2 %), молиявий хизматлар (14,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,8 %) улуши устунлик қилган.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,4 %), шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,4 %) га тўғри келган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Хизматлар таркибида транспорт хизматлари – 29,7 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 49,2 % билан устунликка эга.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида қувур йўли орқали ташиш бўйича хизматлари – 17,8 % ни ташкил этади. Транспорт хизматлари жами ҳажмида темир йўл транспорти хизматлари 13,9 % ни, ҳаво транспортида юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар улуши эса 11,4 % ни ташкил этади. Ёрдамчи транспорт фаолияти транспорт хизматлари умумий ҳажмининг 7,7 % ни ташкил қилади.

Транспорт хизматларининг таркиби,%
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қилади. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда республикада ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви тизимида, иқтисодий тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.


Халқаро электралоқа иттифоқи томонидан эълон қилинган (<https://gtmarket.ru/ratings/ict>), маълумотларга кўра, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индексида 176 мамлакат орасида 95-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич бўйича Беларусь Республикаси 32-ўринни, Россия 45-ўринни, Қозоғистон 52-ўринни, Қирғизистон 109-ўринни эгаллади.

Кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш, АКТ соҳасидаги инновацияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ҳажмини оширишга таъсир кўрсатди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида республика бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 7147,6 млрд.сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 17,3 % ни ташкил этди.

Худудлар бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, %

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Худудлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Тошкент (123,6 %), Наманган (117,7 %), Самарқанд (117,6 %), Бухоро (117,2 %) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (118,9 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Сирдарё (111,3 %), Хоразм (112,8 %), Сурхондарё (112,9 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (113,4 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, %

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




■ АКТ соҳасидаги бошқа хизматлар ■ Телекоммуникация хизматлари

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (85,9 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.қ.) ҳиссасига тўғри келади.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Натижада, 2018 йил январь-сентябрь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 14726,1 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўсиш 25,4 % ни ташкил этди.

Худудлар бўйича молиявий хизматларнинг ўсиш суръати (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Молиявий хизматларнинг энг юқори ўсиш суръатлари Жиззах (144,9 %), Сурхондарё (143,3 %), Навоий (138,7 %), Тошкент (134,7 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (140,0 %) қайд этилди.

Молиявий хизматларнинг таркиби (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (88,7 %) устунлик қилмоқда. Суғурталаш бўйича хизматлари жами молиявий хизматларнинг 7,3 фоизини эгаллайди. Ўрдамчи молиявий фаолиятнинг молиявий хизматлар умумий ҳажмидаги улуши юқори салмоқга эга эмас ва у 4,0 % ни ташкил этади.


Таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар биринчи навбатда онг ва фикрлашдаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшади

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) маълумотларига мувофиқ (<https://gtmarket.ru/ratings/ict>), 2015 йилда* республикада таълим даражасининг индекси 0,74 ни таъкил қилган. Мамлакатимиз рейтингда 188 мамлакат орасида 58-ўринни эгаллади. Ушбу кўрсаткич бўйича Беларусь Республикаси 26-ўринни, Россия 34-ўринни, Қозоғистон 39-ўринни, Қирғизистон 65-ўринни ва Тожикистон 97-ўринни эгаллади.

Ҳисобот даврида юқори ўсиш суръатлари шунингдек таълим соҳасидаги хизматларда – 124,2 % эришилди. Таълим соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 3767,8 млрд. сўмга тенг.

Худудлар бўйича таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсиш суръати

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



*) Индекс бўйича маълумотлар ҳар икки-уч йилда янгиланади, чунки улар миллий статистик хизматларнинг маълумотлари нашр этилгандан сўнг халқаро таққослашни талаб қилади


Худудлар орасида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таълим соҳасидаги хизматлар бўйича юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (162,9 %), Бухоро (147,4 %), Қашқадарё (136,1 %), Сурхондарё (130,0 %), Хоразм (128,4 %) вилоятларида қайд этилди.

Таълим соҳасидаги хизматлар бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Андижон (112,0 %), Самарқанд (118,5%) вилоятларида қайд этилди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 1468,8 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 14,5 % ни ташкил қилди.

Худудлар кесимида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар улушининг таққосланиши, %

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар бўйича энг катта улуш Тошкент шаҳрида кузатилди. 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, у 0,1 ф.п. га камайиб, 39,6 % ни ташкил қилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар улушини камайиши Фарғона 9,3 % га нисбатан 8,8 % (0,5 ф.п.га камайиш), Наманган 6,0 % га нисбатан 5,5 % (0,5 ф.п.га камайиш), Самарқанд 7,0 % га нисбатан 6,6 % (0,4 ф.п.га камайиш) вилоятларида кузатилди.

Хоразм вилоятида 0,5 ф.п.га (2017 йил январь-сентябр ойларида 3,3 % ўрнига 3,8%) соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар улушининг ошиши кузатилди. Тошкент вилоятида (9,5 % га нисбатан 9,8 %), Қашқадарё (3,3 % га нисбатан 3,6 %) ва Жиззах (2,4 % га нисбатан 2,7 %) вилоятларида 0,3 ф.п.га ошди.

Республикада ҳудудлар бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида етакчи ўринни Тошкент шаҳри (32,6 %) эгаллайди. Шу билан бирга Тошкент (7,5 %), Самарқанд (6,8 %), Фарғона (6,2 %) ва Андижон (5,4 %) вилоятларида энг юқори улуш кузатилди.

**Кўрсатилган бозор хизматларининг
умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги энг кичик улуш қуйидаги ҳудудлар Сирдарё (1,3 %), Жиззах (2,2 %), Навоий (2,6 %), Хоразм (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,0 %) эгаллади.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)


	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан %	Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	минг сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан %
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	105244,8	108,9	100,0	3201,8	107,1
Қорақалпоғистон Республикаси	3212,3	112,2	3,0	1734,8	110,7
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	5737,1	107,4	5,4	1892,7	105,6
Бухоро	4609,1	107,9	4,4	2450,9	106,4
Жиззах	2272,2	114,4	2,2	1702,2	112,3
Қашқадарё	5021,3	107,2	4,8	1583,1	105,1
Навоий	2741,0	112,8	2,6	2843,7	111,0
Наманган	4339,3	108,1	4,1	1596,1	106,1
Самарқанд	7115,8	108,2	6,8	1898,1	106,2
Сурхондарё	3950,3	109,0	3,7	1558,7	106,7
Сирдарё	1384,8	109,1	1,3	1687,0	107,4
Тошкент	7861,9	106,0	7,5	2734,9	104,8
Фарғона	6521,7	107,7	6,2	1790,2	106,0
Хоразм	3130,6	108,1	3,0	1724,8	106,4
Тошкент шаҳри	34308,0	112,5	32,6	13826,1	110,6

¹⁾Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда

Замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари миллий ва маҳаллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда республиканинг ҳар бир иқтисодий туман ва вилоятларининг барча ресурсларидан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Худудлар орасида юқори ўсиш суръатлари Жиззах (114,4 %), Навоий (112,8 %), Сирдарё (109,1 %), Сурхондарё (109,0 %) вилоятларига, Тошкент шаҳри (112,5 %) ва Қорақалпоғистон Республикасига (112,2 %) тўғри келади.

Худудлар кесимида ишлаб чиқарилган хизматларнинг ўсиш суръати,%
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Энг паст ўсиш суръатлари Тошкент (106,0 %), Қашқадарё (107,2 %), Андижон (107,4 %), Фарғона (107,7 %) ва Бухоро (107,9 %) вилоятларида кузатилди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 3201,8 минг сўмни ташкил қилди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 107,1 % ни ташкил этди.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 13826,1 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Сурхондарё (1558,7 минг сўм), Қашқадарё (1583,1 минг сўм), ва Наманган (1596,1 минг сўм) вилоятларида кузатилди.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини, етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ҳодиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни кондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.

